Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
24 сентябрь
ШАНБА

№ 76
(12.400)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

Вилоят ҳаёти

БЕКОБОД ТУМАНИ

ШИФОБАХШ НЕЪМАТ МЎЛ

Тумандаги "Сардор Азиз" деҳқон хўжалиги асаларичилик билан шуғуллана бошлади.

Асалари уялари ва бошқа зарур анжомларни ҳарид қилиш учун 11 миллион сўм йўналтирилган бўлиб, унинг қарийб ярми банк кредитидир. Жорий мавсумда деҳқон хўжалиги 1,2 тонна шифобахш неъмат тайёрлаб, 18 миллион сўм даромад кўришни мақсад қилган.

ҚИБРАЙ ТУМАНИ

ТАЛАБАЛАР УЙИ ЯНГИ ҚИЁФАДА

Вилоят педагогика касб-ҳунар коллежи ўқувчилари янги ўқув йилини муносиб туҳфа билан қарши олдилар.

Коллеж ётоқхонаси мукаммал таъмирдан чиқарилиб, замонавий ва кўркам қиёфа касб этди. Бу ерда "Мадалим қурувчи" масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан 250 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Эндиликда 450 ўқувчига мўлжалланган ётоқхонада ёшларнинг дарсларни ўзлаштириши, спорт билан шуғулланиши ва маданий ҳордиқ олиши учун зарур шарт-шароитлар юзага келди.

БЎКА ТУМАНИ

«КЎКЧА ЛАҒМОН»НИНГ МАЗАСИ ЗЎР

Туманда йилига 105 тонна макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга янги кичик корхона иш бошлади.

"Кўкча лағмон" ёрлиғи остида савдога чиқарилаётган маҳсулотлар ички бозорда тобора ўз харидорларини топаётир.

Корхонани минитехнология билан таъминлаш учун маҳаллий тадбиркорнинг ўз маблағидан ташқари банкнинг 25 миллион сўм кредити йўналтирилди. Муҳими, 6 киши муқим иш билан таъминланди.

ОҲАНГАРОН ТУМАНИ

ХОМ АШЁ ТУМАННИНГ ЎЗИДАН

"Вуллен текс" масъулияти чекланган жамияти жунни қайта ишлашга мўлжалланган янги линия фаолиятини йўлга қўйди.

Айни пайтда корхона маҳаллий фермер ва шахсий хўжаликлардан шартнома асосида қўй ва эчки жунларини қабул қилиб, қайта ишламоқда.

Янги лойиҳанинг амалга оширилиши билан корхонадаги иш ўринлари 30 тага ортиб, 30 га маҳаллий ёшлар ишга қабул қилинди. Эътиборли жиҳати маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган маҳсулотлар четга сотилмоқда.

ПИСКЕНТ ТУМАНИ

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН ЛИБОСЛАР

"Пискент киновидео" масъулияти чекланган жамиятига қарашли бўш турган кинотеатр биносида болалар кийим-кечаклари тайёрлашга мўлжалланган янги корхона иш бошлади.

Бу ерда "Микрокредитбанк"нинг 80 миллион сўмлик кредити ҳисобидан замонавий тикув дастгоҳлари ўрнатилди. Натижада йилига 365 минг донагача болалар учун кўркам либослар тайёрлаш имкони юзага келди.

Корхонада ҳозирча 15 маҳаллий хотин-қиз ишга жалб этилган бўлиб, яқин орада иш ўринларини икки баробар ошириш мўлжалланган.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

БИР ЙЎНАЛИШДА ЎН ОЛТИ КОРХОНА

"Ихтиёр қурилиш файз" масъулияти чекланган жамиятида замонавий технология асосида деворбоп қурилиш ашёси – пишиқ ғишт ишлаб чиқарила бошланди.

Корхонани бунёд этиш ва ишлаб чиқариш линиялари ҳамда ихчам ва тежамкор печларни ўрнатиш учун 2,5 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя йўналтирилди.

Бу йил бошидан вилоятда қурилиш саноати моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 16 та янги корхона фаолият юритишга киришди.

Алишер РАҲМАТОВ.

ПАХТА – 2011

СУРЪАТНИ БЎШАШТИРМАЯПМИЗ

дейди чинозлик фермер Ғайрат Нуралиев

Ерини, ғўзасини қадрлайдиган фермернинг пировардида меҳнати ҳам қадр топади. Чунки, кўчат бут, ғўза дуркин, ҳосил шиғил бўлади. Бундай майдонларда терим ҳам униб, хирмон тез юксалади.

Шу кунларда Чиноз туманидаги "Мулла Али" фермер хўжалиги пахтазорларини айланган киши юқоридаги фикрларга ишонч ҳосил қилади. 21 гектар майдонда чаман бўлиб очилган оппоқ пахта чаноқлардан тошиб, кишининг ҳавасини қўзғатади. Терган саринг тергинг келади. Ҳозир хўжаликнинг 20 аъзоси бутун оиласи билан, яна 50-60 чоғли маҳаллий аҳоли ана шундай завқли терим нашидасини сурмоқда. Ҳамида Ҳайдарова, Халима Суюнова каби чевар теримчилар хирмонга кунига 190-200 килограммдан пахта тўкишяпти.

Биринчи теримдаёқ шартнома мажбуриятини ортиғи билан бажариб қўйганларни асл фермер деса арзийди. "Мулла Али"нинг раҳбари Ғайрат Нуралиев шундай фермерлардан. Биринчи теримда қабул пунктларига 65 тонна ўрнига 68 тонна юқори навли хом ашё топшириб, шартнома мажбуриятини ошириб бажарди.

– Шартнома пировард мақсад эмас, – дейди Ғайрат Нуралиев. – Далада ҳосил бор экан, тезроқ йиғиб-териб олиб, туман ва вилоятимизнинг умумий хирмонига арзирли ҳисса қўшишимиз керак. Ҳозир ёруғ кунлардан фойдаланиб қолиш мақсадида теримчиларга ҳамма шароитларни яратиб қўйдик. Эрталабдан қайноқ чой, тушликда иссиқ овқат, яна кечки чой дегандек, теримчилар толиқмай, иккиламчи нарсаларга чалғимай, терим суръатини бирдек давом эттиришяпти.

Бугунги кунгача вилоятимизда юзлаб фермерлар шартнома мажбуриятига қўшимча ҳосил туширмоқдалар. Кейинги кунларда уларнинг сафи қуйидаги фермер хўжаликлари ҳисобига янада кенгайди

Бекобод тумани

"Тўлган Орол", "Омонқул ота", "Бекобод чорвадори", "Ҳусанбой Тўланбой", "Фарҳод", "Абдурауф Полвон", "Нурмуҳаммад Ғулом", "Сайдалижон Акмалжон", "Лутфулло" "Аброржон Асроржон омад", "Ҳусанбой файз агро", "Файзиева Гулчехра", "Обод Хуршидабону", "Турдиқулов Ҳасан ота".

Бўка тумани

"Нодир Темп", "Рашид Шоҳруҳ", "Сўғдиёна", "Умар Сафар Малик", "Маҳкам Олимжон", "Отабек", "Омад".

Оққўрғон тумани

"Кўпяшар-Ота", "Омонов Раҳмонгелди-чорва".

Пискент тумани

"Каримбоев Мираббос", "Саид Орзубек Тошев С", "Кулибоев Ғиёс", "Алишер Шукуруллаев Иззат", "Тулепов Саидаҳмад", "Ортиқов Солижон", "Раҳматжонова Сарвиноз", "Жавоҳир Раҳматуллаев", "Қодирова Дилдора", "Ҳайдаров Шунқориддин", "Ғолиб Исматов Қурбонбой", "Новкент Уммон Умаров О", "Ғаффоров Зуҳриддин", "Тўхтабоева Муҳаббат".

Чиноз тумани

"Шерматов Ҳожиакбар файз", "Раҳматов Ҳабибулло", "Абдулахатов Дилшод", "Хасамил", "Асилбек".

Юқори Чирчиқ тумани

"Тожи Аҳмад", "Жалолиддин Шуҳрат", "Мамасидиқов Ю.", "Дорхон эли Қултома", "Лоҳаб ота".

Янгийўл тумани

"Равшанбек Каримбек", "Турсунбой Элжон зиё", "Ҳасан фермер", "Исломбек Барака".

Қуйи Чирчиқ тумани

"Алимхон ўғли Марҳабой", "Икром Абдурасул ўғли", "Мавжуда Зафар", "Саид Эркин", "Рихсия опа", "Хотамов Ураимжон", "Саидҳўжа Шаҳобиддин", "Тўйчи Эсонбой", "Ултув", "Ғани Илғор Агро", "Махсат она", "Казибек бобо", "Сапар", "Тангиров Ўткир Устемирович", "Қобулбек Холматов", "Нурматов Жалол".

СУРАТДА: чинозлик фермер Ғайрат Нуралиев.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

Юқори Чирчиқ туманининг Янгибозор шаҳарчасидаги марказий ўйингоҳда вилоят ҳокими кубоги мусобақаларининг финал учрашуви бўлиб ўтди. Айтиш мумкинки, бу вилоят футбол мавсумининг ҳам якунловчи, ҳам безак ўйини бўлди. Шу йил май ойида бошланган кубок беллашувларида иштирок этган 16 жамоа орасида "Оҳангарон" ҳамда "Бўкалик" жамоалари финалга муваффақиятли етиб келди. Гарчи, "Оҳангарон" вилоят чемпионатининг амалдаги ғолиби, "Бўкалик" эса 7-ўриндан юқорига кўтарилолмаган ўртамиёна жамоа бўлсада, финал беллашуви кутилмаганда кескин, муросасиз ва албатта, қизиқарли кечди. Буни асосий вақтда ҳам, қўшиб берилган вақтда ҳам ўйин дуранг натижа - 1:1 ҳисобида тугаганидан ҳам билиш мумкин.

ВИЛОЯТ ҲОКИМИ КУБОГИ «ОҲАНГАРОН»ДА

Нафақат финал учрашуви балки, вилоят ҳокими кубоги тақдирини ҳам ўн бир метрли масофадан дарвозага тўп тепиш йўли билан ҳал қилишга тўғри келди. Бунда омад "Оҳангарон" жамоасига кулиб боқиб, 2:1 ҳисобида ғолиб чиқди. Шундай қилиб, оҳангаронликлар бу йилги футбол мавсумида "олтин" дублга эришиб, ҳам вилоят чемпионлиги, ҳам вилоят ҳокими кубогини қўлга киритдилар.

– Оҳангаронликларнинг қўш соврини – яшил майдонда кўрсатган чиройли ўйинларига муносиб, – деди вилоят футбол федерацияси президентининг биринчи ўринбосари Шомил Яфаров. – Аммо, бўкаликларнинг ҳам финалгача етиб келганлари бежиз эмас. Бу жамоада маҳоратли футболчиларни кашф этиш, саралаш ва тарбиялаш ишлари оқилона йўлга қўйилган. Ишонаманки, бу жамоанинг келажаги бор.

Ш. Яфаров вилоят ҳокими кубоги мусобақалари кўпгина клубларимиз мавқеи анча ўсганини, жойларда раҳбарларнинг миллионлар ўйини бўлган футболга муносабатлари кескин ўзгарганини алоҳида таъкидлади.

Эътироф этиш керакки, мезбонларнинг астойдил саъй-ҳаракатлари туфайли мусобақалар сифатли тайёрланган ўйингоҳда ўтиб, томошабинларга завқ бағишлади.

Самад ЙЎЛДОШ.

СУРАТЛАРДА: мусобақа пайти; турнир ғолиблари.

Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

Ханс-Йоахим Кидерлен:

«ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН МАМЛАКАТДИР»

Мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган расмий қабул маросими бўлиб ўтди.

Ушбу муҳим тадбирда Германия Федератив Республикасининг расмий, сиёсий, ишбилармон ва жамоатчилик доиралари ҳамда Германия пойтахтида аккредитациядан ўтган хорижий мамлакатлар дипломатия ваколатхоналарининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Тадбир аввалида Ўзбекистоннинг Германиядаги элчиси маросим қатнашчиларини қутлар экан, улар эътиборини мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йиллари давомида қўлга киритган муваффақиятларига, хусусан, демократик ривожланиш, суд-ҳуқуқ ҳамда ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги кенг қўламли ислоҳотлар берган аниқ-равшан самараларга қаратди.

Сўнгра Германиядаги "CLAAS" компаниясининг мустақил маслаҳатчиси, "MAN Avto Uzbekistan" қўшма корхонаси кузатув кенгашининг аъзоси Удо Фёлькерга Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофоти – "Дўстлик" ордени тантанали равишда топширилди.

У. Фёлькер ўз чиқишида кўрсатилган эътибор учун республикамиз раҳбариятига миннатдорлик изҳор этгани ҳолда, "Дўстлик" ордени билан тақдирланиш ўзи учун катта шараф эканлигини айтди. У, шунингдек, Германия – Ўзбекистон муносабатлари фаол ривожланиб бораётганини қайд этар экан, икки томонлама товар алмашувлар ҳажмининг тобора ошиб бораётгани бу фикрни яққол тасдиқлашини, у 2009 йилги 327 миллион евро билан таққослаганда 2010 йили 500 миллион евродан зиёд кўрсаткични ташкил этганини алоҳида таъкидлади. "Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш учун улкан салоҳиятлар мавжуддир", деди у.

(Давоми 2-бетда).

2012 йил учун
ОБУНА
бошланди
«Тошкент ҳақиқати»
газетаси индекси – 205.

ТАНЛОВ

ИҚТИДОРЛИЛАР САРАЛАНДИ

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижоди саройида Фонд Форум ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида "Келажак овози" республика кўрик-танловининг пойтахт шаҳар ва Тошкент вилояти босқичлари ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир доирасида танлов ғолибларининг энг сара лойиҳалари ва техник ишланмалар тақдимоти, амалий ишлар кўргазмаси ташкил этилди. Шунингдек, эстрадамизнинг ёрқин юлдузлари ҳамда "Келажак овози" республика кўрик-танлови "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивали совриндорлари иштирокидаги концерт дастури намойиш қилинди.

Вилоятимизнинг турли шаҳар ва туманларидан 45 йигит-қиз танловнинг республика босқичида иштирок этиш учун йўлланма олди.

– Мен либослар дизайни бўйича қарийб икки йилдан буён шуғулланиб келмоқдаман, – деди танловда учинчи ўринни эгаллаган Ўрта чирчиқлик Зилола Абдувалиева.

– Бу санъат турига қизиқишим ёшлик чоғимданоқ бошланган, – деди биринчи ўрин соҳиби бўлган ангренлик Камолиддин Тожибоев.

Зангиота, Янгийўл туманларидан бир қатор ёшлар ҳам тасвирий санъат, техник лойиҳа ва ишланмалар бўйича ўз ижод намуналари билан муваффақиятли қатнашдилар.

Юлдуз ФАЗЛИДДИНОВА.

ЭКОЛОГИЯ

ЭНГ УЛУҒ СОВҒА

Ўзбекистон "Экосан" халқаро жамоат фонди республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда экология масалаларига бағишлаб конференция ташкил этди.

Эколог олимлар, республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими раҳбарлари ва ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда "Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёти мақсадлари учун таълим концепцияси" мавзусидаги маъруза тингланиб, қизғин муҳокама қилинди.

Маърузачи иқлимнинг кескин ўзгараётгани, биохилма-хилликнинг камайиб бораётгани, озон туйнугининг ҳосил бўлиши ва албатта, Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ муаммолар кейинги йилларда юзага келган энг асосий йирик муаммолар эканлигини таъкидлади. Шу боис бугун Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликларни авайлаб асраш ва оқилона фойдаланиш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг экологик билим ва маданиятини юксалтириш, мактаб, коллеж, лицей ва олий таълим тизимида экологик таълим-тарбияни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қаторидан ўрин олган.

Конференцияда сўзга чиққанлар соҳага мутасадди ташкилотлар тайёрлаган экологик луғат, фотоальбом ва рисолалар, шунингдек, "Экосан" халқаро жамоат фонди чоп этган бир қатор адабиётлар хайрия тарзида тарқатилаётганига иштирокчилар эътиборини қаратишди. Айниқса, янги чоп этилган "Экология" ўқув қўлланмасини жойларга, айниқса, қишлоқлардаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга тезроқ етказиб беришни тавсия этдилар.

"Экология" қўлланмасига "Ижтимоий ва амалий экология" боби киритилган бўлиб, ушбу фанни ўқитиш соатларини вазирлик мутахассисларининг кўриб чиқишлари мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланди. Чунки, касб-ҳунар коллежларида ҳозиргача фақат "Умумий экология" курси ўтилади. Шу нуқтаи назардан "Экосан" фонди маблағлари ҳисобидан янги тайёрланган "Экология" фани бўйича ўқув-қўлланма" мамлакатдаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга хайрия йўли билан тақдим этилаётир.

Конференция сўнгида намойиш этилган "Орол таассуротлари" ҳужжатли фильмини иштирокчилар қизиқиш билан томоша қилдилар.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги "Маънавият ва маърифат" марказида 1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан "Сизга таъзим, азиз устозлар!" деб номланган кеча бўлиб ўтди.

СИЗГА ТАЪЗИМ, АЗИЗ УСТОЗЛАР!

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим тизими ходимлари, ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда мустақил ва соғлом дунёқараш, замонавий билимга эга, Ватан тақдири учун масъулиятни астойдил ҳис этадиган баркамол авлодни тарбиялашга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётир. Ушбу мақсадларни амалга оширишда ўқитувчи ва мураббийларнинг масъулиятини мустаҳкамлаш, шарафли меҳнатини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 20 майда қабул қилган "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ушбу тизимдаги ўқув даргоҳлари фаолиятини янада такомиллаштириш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асосида олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини яхшилашда муҳим омил бўлмоқда. Шу билан бирга, юқори малакали ўқитувчиларга уларнинг касб маҳорати ва ўқув жараёнини яхшилашга қўшган аниқ ҳиссаси, таълим сифати ва самарали тарбиявий иши учун ойлик устамалар тизими жорий этилгани аҳамиятга моликдир.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

ТОЗА ҲАВО

АТМОСФЕРА ЧИҚИНДИХОНА ЭМАС

Атмосфера ҳавоси ифлосланиши глобал муаммога айланиб бормоқда. Табиатда иқлим ўзгариши, зарарли чиқиндиларнинг кўпайиши, экологик мувозанатнинг бузилиши инсониятни ташвишга солмоқда. Негаки, йилдан йилга автотранспорт воситалари кўпайиб, техник носоз автотранспорт воситаларининг йўлга чиқиши атмосферада зарарли моддалар тўлиб-тошишига сабаб бўлмоқда.

Ифлосланишни камайтириш мақсадида республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари қўшма буйруқ ва режалар ишлаб чиқиб, унга биноан ҳар йили 10 апреддан 10 майгача ва 10 августдан 10 сентябргача "Тоза ҳаво" тадбири ўтказилади.

Вилоят ҳокимининг "Вилоятда "Тоза ҳаво" ойлигини ўтказиш тўғрисида"ги фармойиши асосида ҳар бир туман ва шаҳарда муайян ишлар амалга оширилди.

"Тошкент – Олмалиқ", "Тошкент – Бекобод", "Тошкент – Чиноз", "Тошкент – Бўстонлиқ" йўлларида махсус 16 та (8 та кўчмас ва 8 та ҳаракатдаги) экологик постлар ташкил этилди.

Тадбирдан кўзланган мақсад атмосфера ҳавосига автотранспорт воситаларидан чиқаётган зарарли тутун ва газларни камайтириш, носоз автотранспортларни таъмирлаш орқали ҳаво ифлосланишининг олдини олишдир.

Йўлларда ва корхоналарнинг кириш-чиқиш жойларида автотранспорт воситаларидан чиқаётган зарарли газ ва тутун миқдорини текшириш учун жами 12 та газ анализатори, 2 та тутун ўлчагичдан фойдаланилди.

Шаҳар ва туман кўчаларида "Тоза ҳаво" ойлиги тадбирини тарғиб қилувчи шиорлар ўрнатилди. Ташкилот, корхона, муассаса ва маҳаллаларда 248 марта давра суҳбатлари ўтказилди. Тадбир моҳиятини кенг оммага етказиш мақсадида телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар намойиш қилинди, мақолалар чоп этилди.

Бундан ташқари, тадбир давомида 22 минг 594 та автотранспорт воситаси кўрикдан ўтказилди. Уларнинг 1237 тасида зарарли газ ва 68 тасида тутун миқдори меъёрдан юқорилиги аниқланди ва жойида созланиб, 7 та носоз транспорт воситаси фаолияти вақтинча тўхтатилди.

Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида атмосфера ҳавосига автотранспорт воситалари чиқарадиган зарарли моддалар 22,387 тоннага камайди.

Х. АЗИМҚУЛОВ, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш инспекцияси мутахассиси.

ЙЎЛСОЗЛАР ТУҲФАСИ

"Оҳангарон – Гулистон" автомобиль йўлининг 61-километрида йўлсозлар Сирдарё устидан янги улкан кўприк қурилишини ниҳояламоқдалар.

Қурилиш-монтаж ишларини "Чинор технотекс" масъулияти чекланган жамияти ҳамда Тошкентдаги кўприк қурилиш трести бунёдкорлари олиб бормоқдалар. Эни 14, узунлиги 277 метрлик мазкур иншоот қурилишига республика йўл жамғармаси томонидан 9 миллиард 700 миллион сўм маблағ ажратилган.

Ғанишер АЛИЕВ.

2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

Ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳиссаси йил сайин ошиб бормоқда. Бу – ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кўламларини кенгайтириш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш мақсадидаги изчил саъй-ҳаракатларнинг самараси, албатта. Бу жараёнларда банк кредитларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарида алоҳида таъкидлаганидек, "Аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда жиддий сифат ўзгаришлари кўзга ташланмоқда. Биз учун ўта долзарб бўлган бу масалани ечишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда".

БАНК КРЕДИТИ ТАДБИРКОРЛАРГА МОЛИЯВИЙ МАДАД

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликлик йили" Давлат дастурида уларни молиявий қўллаб-қувватлаш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар изчил бажарилаётганлиги бунинг яққол далилидир. Шу йилнинг олти ойи мобайнида барча молиялаш манбалари ҳисобидан бу соҳага 169,1 миллиард сўм кредит ажратилди. Унинг 55,2 фоизи узоқ муддатли кредитлар. Шу жумладан, 32 миллиард сўмлик микрокредитлар берилди.

4493 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган бу кредитларнинг 163,4 миллиард сўми тижорат банкларининг ўз маблағларидир. Демак, жаҳонни қамраб олган молиявий инқирознинг мамлакатимиз молия-иқтисодий ҳаётига таъсирини бартараф этиш учун давлатимиз қўллаётган чора-тадбир шундай натижа бераётир, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик барқарор ривожланаётир.

Айни пайтда хорижий кредит линиялари орқали киритилаётган сармоялар ҳам кўпайиб, биринчи ярим йилликда 5,5 миллиард сўмга етди. Бу чет эллик сармоядорларда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришнинг чуқур ўйланган ҳуқуқий асослари яратилганига ишонч ортаётганлигидан далолат беради, албатта.

Вилоятимиздаги саноат ишлаб чиқаришига ихтисослашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ярим йилда олган кредитлари жами кредит маблағларининг деярли учдан бир қисмига етиб қолди ёки бу корхоналар 48,7 миллиард сўм молиявий "қўйилма" олиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, технологик ускуналарни модернизациялаш, янги қувватларни барпо этиш учун фойдаланди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳам кредитлар ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Бу соҳада фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга олти ойда 37,6 миллиард сўм кредит ажратилди.

– Вилоятимиз тижорат банклари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратган кредит маблағлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 43 фоиз ошди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вилоят бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ш. Хўжақулов. – Шу жумладан микрокредитлар ажратиш 30,1 фоиз кучайди.

Вилоятда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари кўпайиб бормоқда. Тижорат банклари республика Президенти қарорини бажара бориб, 1228 тадбиркорга 37,7 миллиард сўм кредит ажратди. Олти ойлик режа 161,8 фоиз бажарилди. Бу маблағлар тадбиркорларга тармоқни кенгайтириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш имконини берди. Бу саъй-ҳаракатлар озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида 2253 та янги иш ўринлари очилишига олиб келди.

Айни пайтда ноозиқ-овқат истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ҳам кенгайиб бормоқда. Шу йилнинг ўтган ойларида шаҳар ва туманларимизда юзлаб шундай янги кичик корхоналар ишга туширилди. Умуман эса, бу муҳим соҳада фаолият юритаётган 1010 тадбиркорга ишлаб чиқаришни кенгайтириш лойиҳаларини амалга ошириш учун 30,2 миллиард сўм кредит ажратилди. Бу маблағларга кичик корхоналар учун мини-технологиялар, янги технологик ускуналар сотиб олинди ва тезкорлик билан ишга туширилди. Натижада 1427 киши муқим ишли бўлди.

Маҳаллий хўжалик идоралари, ҳокимликлар аёлларни тадбиркорлик соҳасига жалб қилиш, улар учун янги иш ўринлари барпо этиш дастурини изчил бажараётир. Шунинг самараси сифатида олти ойда 697 мижозга 15,7 миллиард сўм кредит ажратилди. Шу ҳисобдан якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланаётган 211 тадбиркор аёл 3,6 миллиард сўм кредит олди. Бунинг натижасида 1457 киши ишли бўлди.

Давлат касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик ҳаракатига жалб этишга эътибор кучайтирилаётир. Изланувчан, ташаббускор ёшларнинг бизнес-лойиҳалари ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Ўтган олти ойда 178 битирувчига 1 миллиард 458,7 миллион сўм кредит ажратилди.

Битирувчиларга микрокредит ажратиш ҳам кўпайиб бораяпти. Фақат Чиноз туманида касб-ҳунар коллежларининг олти битирувчиси 38 миллион сўм кредит олди. Янгийўл туманида эса, 11 битирувчи 65,4, Қуйи Чирчиқ туманида 8 битирувчи 31,5 миллион сўм микрокредит олиб, хусусий тадбиркорлик ҳаракатини бошлаб юборди.

Корхоналарнинг молиявий фаолиятини барқарорлаштириш мақсадида улар банклар балансига ўтказилгач, ишлаб чиқариш қайта тикланаётир, маҳсулот ҳажми ортиб бораётир, энг муҳими, иш ўринлари муқимлашаётир. Чунончи, шаҳар ва туманлардаги 14 та шундай корхона негизида ташкил этилган 11 та корхонада ишлаб чиқаришни қайта йўлга қўйиш лойиҳалари учун тижорат банклари 29,2 миллиард сўм инвестиция киритди. Натижада уларда қисқа фурсатда 17,9 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Қайта тикланаётган бундай корхоналар тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобидан янги, замонавий технологик ускуналар билан жиҳозлангани боис жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар кўпайиб, қисқа фурсатда хорижга 7,4 миллиард сўмлик маҳсулот экспорт қилинди.

Энг муҳими шундаки, бу саъй-ҳаракатлар янги иш ўринлари кўпайишига олиб келмоқда. Фақат тўхтаб қолган корхоналарни молиявий соғломлаштириш орқали 2 мингдан ортиқ киши доимий иш жойига эга бўлди. Умуман олганда, тижорат банклари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаши натижасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари кенгайиб, шу йилнинг ўзида 9455 та янги иш ўринлари яратилди.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурининг изчил бажарилаётгани самараси ўлароқ, одамларнинг турмуш даражаси яхшиланиб, жамиятда ижтимоий-иқтисодий барқарорлик мустаҳкамланиб бормоқда.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ХИЗМАТЛАР – КИЧИК БИЗНЕСГА

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари бу йил кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга эътиборни янада кучайтирди.

Буни Миллий банкнинг Чирчиқ шаҳар филиали амалга ошираётган ишлар мисолида ҳам кўриши мумкин. Банк бошқарувчиси ўринбосари, кредит иқтисодиёт бўлими бошлиғи Беҳзод Сувонқуловнинг таъкидлашича, йилнинг ўтган даврида кичик бизнес субъектларига, тадбиркор аёлларга, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, ёш оилаларга кўмак бериш ҳамда бу борада Президентимиз фармонлари ва қарорларини бажаришга алоҳида ёндошув ўз самарасини бермоқда.

Шаҳар ҳудудида парандачилик, асаларичилик, балиқчилик, чорвачилик тармоқлари ўтган йилга нисбатан бир неча баравар кенгайди. Айни пайтда банк мутахассислари ушбу соҳаларни янада ривожлантириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб, амалга оширмоқдалар.

Ханс-Йоахим КИДЕРЛЕН:

«ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН МАМЛАКАТДИР»

Орден соҳибининг фикр билдиришича, Германия ишбилармон доиралари вакиллари билан ҳамкорлик иқтисодий ривожланишга, ишлаб чиқариш базасини янгилаш ва республикада янги иш ўринлари яратишга ҳисса қўшгани ҳолда Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш ишига кўмаклашади.

Расмий қабул маросими доирасида мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан нашр этилган "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси Ўзбекистонни намоён этади" суратлар каталогининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Тақдимот ажойиб маданий дастур намойишига уланиб кетди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Бадиий жамоалар ижодий бирлашмаси ҳузуридаги "Ниҳол" ансамбли санъаткорлари ижросидаги дилрабо куй-қўшиқ ва жозибали рақслар қутлуғ байрам тадбирининг иштирокчиларида унутилмас таассурот қолдирди.

Қабул маросими қатнашчилари Ўзбекистон ҳаётидаги ушбу муҳим сана муносабати билан самимий қутловларини, мамлакатимиз халқи ва раҳбариятига тараққий топган демократик давлат қурилиши йўлида катта муваффақиятларни изҳор этишди.

Жумладан, Германия – Ўзбекистон жамияти вице-президенти П. Шпари тантанали маросимда иштирок этаётганидан мамнуният билдирар экан, Ўзбекистонни Мустақилликнинг 20 йиллик тўйи билан самимий мубораксбод этди. "Бу юбилей суверенитет, эркинлик ва фаровонлик байрамидир, деди у. Мен Ўзбекистон эришган ютуқ-муваффақиятлардан жуда мамнунман".

Германиянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Мартин Хекер бой тарихий, маънавий-маданий меросга ҳамда улкан иқтисодий салоҳиятга эга бўлган республикамиз ўзининг мустақил ривожланиш йиллари давомида диққатга сазовор натижаларни қўлга киритганини қайд этди. Мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги даражасига ижобий баҳо берар экан, у Германия – Ўзбекистон шериклигида ҳали фойдаланилмаган катта салоҳият мавжуд эканини алоҳида таъкидлади.

"Келгуси йили биз мамлакатингизга боришни режалаштирганмиз, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентдаги кўҳна меъморий ёдгорликларни яна бир бор томоша қилишга, республиканинг замонавий тараққиёти билан яқиндан танишишга муштоқмиз", деди у.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатган Германиянинг яна бир собиқ элчиси Ханс-Йоахим Кидерлен Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этиш ўзи учун шараф эканлигини алоҳида таъкидлади.

"Мен 2004-2006 йиллар давомида Германиянинг Ўзбекистондаги элчиси бўлиб ишлаган кезларим ҳукматнинг ички ва ташқи сиёсати ҳақида, умуман, мамлакатингиз ҳақида ижобий таассуротлар ва гўзал хотираларни орттирганман. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Германия ва Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда, шу жумладан, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишида ҳам яқин ҳамкорлик қилмоқда. Биз улкан маънавий ва тарихий-маданий меросга эга бўлган Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида қандай муҳим аҳамиятга эга эканлигини яхши биламиз. Бундан ташқари, республикада мавжуд бўлган улкан сайёҳлик салоҳияти бутун дунё, жумладан, Германия сайёҳларининг ҳам эътиборини ўзига тортмоқда.

Миллий байрам муносабати билан Ўзбекистонга ва унинг халқига янада катта зафарларни тилайман", деди Х. Й. Кидерлен.

Ўзининг самимий дил сўзлари ва қутловларини изҳор этар экан, Грасси номидаги Лейпциг этнография музейининг директори Клаус Даймел Лейпциг шаҳрида истиқомат қиладиган ўзбекистонлик диаспора вакиллари билан тез-тез турли маданий тадбирларни ўтказиш одат тусига кириб қолганини қайд этди. "Бундай тадбирлар шаҳримиз ҳамда Саксония федерал ўлкаси аҳолиси ва меҳмонларини юксак баҳолашлари баробарида ўзбекистонлик шериклар билан муваффақиятли ҳамкорлик алоқалари ўрнатилганидан мамнуният билдиришди.

Тантанали қабул маросими чоғида Ўзбекистондаги демократик, суд-ҳуқуқ ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, шунингдек, республикамизнинг ташқи сиёсий фаоллиги мавзуларини қамраб олган турли ахборот материаллари ҳамда элчихона томонидан немис тилида нашр этиладиган "Ўзбекистон: кеча, бугун, эртага" рангли журналининг махсус сони тадбир иштирокчилари ўртасида тарқатилди.

Қайд этиш жоизки, ушбу тадбир немис оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Жумладан, "Берлинер Умшау", "Берлинер Блатт" и "Studio96-berlin.de" нашрларнинг умумжаҳон ахборот тизимидаги саҳифаларида қатор мақолалар мазкур тадбир лаҳзалари акс этган рангли суратлар қуршовида эълон қилинди. Хусусан, "Берлинер Умшау" нашри "Ўзбекистон Берлинда Мустақилликнинг 20 йиллигини нишонлади" сарлавҳали мақолада "28 миллион аҳолисига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси сўнгги икки ўн йиллик давомида юксак тараққий этган мамлакат қуриш йўлидан комил ишонч билан қадам ташлагани ҳолда нафақат иқтисодиётда, балки бошқа кўпгина соҳаларда ҳам диққатга сазовор муваффақиятларни қўлга киритди", дея таъкидлади.

Мақолада Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларидаги самарали ҳамкорлик мавзусига ҳам алоҳида ўрин берилган.

«Жаҳон» АА. Берлин.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР – ҲАЁТГА

ИСТЕЪДОДГА РАҒБАТ

Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларни ҳар тамонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш, улар ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятларини рўёбга чиқаришлари учун шарт-шароитлар яратиш мақсади вилоятимизда "Истеъдод" клубини шакллантирди. Уни Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши халқ таълими ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари, вилоят ҳудудидаги олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этди.

Клуб фаолиятига таниқли олим, шоир, ёзувчи, санъаткор ва мутахассислар жалб этилди. Клуб машғулотларида ёшлар ижодий фаоллигини ривожлантириш, уларнинг турли лойиҳалари ва дастурларини ташкилий, маслаҳат, илмий ва услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижодларини рағбатлантириш масалалари асосий ўрин эгалламоқда.

Вилоятда истеъдодли, иқтидорли болалар, ўсмирлар, ўқувчи ва талабаларни излаб, тегишли ахборот базаси яратилди. Ёш истеъдодларни кашф этиш мақсадида улар ишлаб чиқишган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоялашга қаратилган тадбирлар белгиланди. Жумладан, "Истеъдод" клубининг тавсияси ва кўмагида "Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизликдан, зарарли таъсирлардан, ташқаридан кириб келувчи "оммавий маданият" таҳдидлари ва таъсирларидан асрашга доир чора-тадбирларни амалга ошириш", "Чиқиндидан биометан гази, биоўғит олиш ва аҳолини таъминлаш", "Қишлоқ ёшларини агробизнес ва қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб қилиш марказини ташкил этиш" мавзуларидаги учта инновацион лойиҳа ҳужжатлари грант олиш учун тақдим этилди. Чунончи, "Истеъдод" клубининг аъзоси, Ўрта Чирчиқ тумани "Кучлик" маҳалласида яшовчи тадбиркор Мурод Минглиев ва унинг ёш ҳамкори Исроил Холиқов тақдим этган "Чиқиндидан метан гази, биоўғит олиш ва аҳолини таъминлаш" бўйича инновацион лойиҳани тайёрлаш ва Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси грантига тақдим этиш учун ёш ихтирочиларга маслаҳат хизматлари кўрсатилди. Лойиҳа эътиборга лойиқ деб топилди ва ёш тадбиркорлар ғолибликни қўлга киритишди.

Ижодий, илмий-техник ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, янги технология ва ускуналардан фойдаланиш асосида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда партия ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида "CAPS FURNITURE" мебель фурнитурасини ишлаб чиқарувчи масъулияти чекланган корхонага Хитой ва Жанубий Кореядан модернизация доирасида ускуналар келтириш, бино ва цехларни тайёрлаш, янги қувватни ишга туширишда кўмаклашилди.

Компьютер саводхонлиги курсларини ташкил этиш, янги компьютер дастурларини ўргатиш, компьютерларда ишлаш ва уни бошқариш бўйича танлов ва мусобақалар ўтказиляпти. Масалан, "Интеллект-Лобар" ўқув маркази билан ҳамкорликда ёшлар компьютер сабоқлари олишлари, профессионал компьютер дизайнерлиги, Европа ва Шарқ тилларини ўрганишлари учун, шунингдек, клуб аъзоларининг талаб ва истакларидан келиб чиқиб, сиёсий-иқтисодий билимларини ошириш каби йўналишларда ҳам машғулотлар ташкил этиляпти.

"Истеъдод" клуби шу кунларда яна бир янги лойиҳага ёрдам бермоқда. Бу "Сидиқов Темир" хусусий тадбиркорлик корхонасининг биогаз ва биоўғит тайёрлаш, "Калифорния чувалчанги"ни кўпайтиришни йўлга қўйишига таллуқли. Биогаз қурилмаси мутахассислар иштирокида Оққўрғон туманида намойиш қилиниб, биогаз билан иситиладиган иссиқхона қурилишига ёрдам берилмоқда.

Муқобил энергиядан фойдаланиш ғоясини тадбиркорларга ва партия фаолларига етказиш мақсадида "Муқобил энергия – ҳаётга" рисоласи нашрга тайёрланди. "Истеъдод" клуби тадбиркорларга кўплаб маслаҳат, ҳуқуқий ва амалий ёрдамлар ҳам кўрсатмоқда. Энг муҳими, интеллектуал бойлик тобора ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб бораётган ҳозирги кунда инновацион бойликдан унумли фойдаланиш орқали вилоятимиз иқтисодиётини янада юксалтириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида ташвиқот-тарғибот ишларини кучайтиришда "Истеъдод" клубининг амалий ёрдами фаоллашмоқда.

Юсуф ЖУМАЕВ.

АКС-САДО

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг шу йил 3 август сонида "Кўпкари"ми ёки "кўпнинг иши?" сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Қадим миллий удумларимиздан бири ҳақидаги бу мақолада билдирилган фикр-мулоҳазалар газетхонларда катта қизиқиш уйғотди. Буни газета таҳририятига келаётган мактублар ҳам тасдиқламоқда. Қуйида Янгийўл туманидан олинган мактубни эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

ҲАЁТБАХШ АНЪАНА

Ўзбек халқи ўзининг кўп ибратли анъаналари билан жаҳонга машҳур. Улардан бири улоқдир.

Ёдимда, болалик кезларим дадам мени ўзлари билан бирга улоқ томошасига олиб борардилар. Катталар қатори улоқчилар мусобақасини завқ билан томоша қилардик. Кейин таассуротларимизни узоқ вақтгача гапириб юрардик. Улоқчилар ҳақида гапирилганда, кўпроқ унинг отига баҳо бериларди.

Отларга қизиқишим болалик кезларимдан бошланган. Биз пахтачилик илмий-тадқиқот институтига қарашли уруғчилик хўжалиги қўрғонларидан бирида яшардик. Унинг йилқичилик фермаси ҳам бор эди. Биз, болалар фермадаги тойларни ўзимизча "менки-сенки" қилиб, бўлиб олгандик. Уларга ном ҳам қўйгандик.

Кейинчалик, ўспиринлик пайтимда пахта ва бошқа экинларнинг қатор ораларига от қўшилган оқсой билан ишлов берардим. Ўтган асрнинг 60-чи йилларида, "Қовунчи" жамоа хўжалигида раис муовини бўлиб ишлаган кезларим далаларни от миниб айланардим. От билан хоҳлаган далангизни айланиб, аниқ ва тўғри хулосалар чиқариш мумкин бўларди. Отнинг хусусияти, фазилати кўп. Халқимизда "От минган етар муродга" деган мақол бежиз айтилмаган.

Қишлоқ туманларида йил якунланаётганида катта байрам бўларди. Таниқли санъат усталари концерт беришар, кенг майдонларда улоқ ҳам ташкил этиларди. Қўшни туманлардан ҳам кўплаб таниқли чавандозлар келишарди.

Биз ҳам от миниб, улоқнинг тартиб ва қоидаларига риоя этилишини назорат қилиб, доим даврада айланиб юрардик.

Янгийўлликлар улоққа жуда қизиқади. Неча йиллар ўтиб кетганлигига қарамай, одамлар моҳир чавандозлар кўрсатган томошаларни ҳамон хотираларида сақлаб келишмоқда. Саидаброр Қосимов Янгийўлда ўткир улоқчи бўлган. Унинг ўғиллари Саидумар ва Саидкамол ҳам ота йўлидан бориб, моҳир улоқчи бўлиб етишдилар, кўп йиллар турли мусобақаларда қатнашиб, халқнинг олқишини олдилар.

От миниб йўл юришнинг фазилати ўзгача. Отда юриш киши тана аъзоларининг ҳаммасини ҳаракатга келтиради ва бақувват қилади. Шу боис от спортини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериш лозим. Мустақил юртимизда бунинг учун барча шарт-шароитлар бор. Ихтисослашган отчилик фермер хўжаликлари ташкил этиш, йилқи наслчилигини ривожлантириш фақат наф келтиради. От спортини ҳарбий-техник спорт ўйинлари қаторига киритиш, йигитларимиз от миниш маҳоратини, аждодларимизнинг шонли анъаналарини эгаллашлари ҳам фойдадан ҳоли эмас.

Маҳмуджон АҲМАДЖОНОВ,
меҳнат фахрийси.

ҚАРОР ВА ИЖРО

«ҲАМИША ЭЛ ХИЗМАТИДАМИЗ»

деди Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти вилоят бўлими раиси Нигора Рустамова

Нодавлат нотижорат жамоат ташкилотларининг жамиятимиздаги ўрни салмоқли бўлиб бормоқда. Хўш, улар инсонпарварлик вазифаларини қай даражада бажараётир? "Тошкент ҳақиқати" мухбири жамиятнинг вилоят бўлими раҳбари билан шу ҳақда суҳбатлашди.

– Ташкилотимизнинг асосий мақсади инсонпарварлик соҳасида давлат идораларига ихтиёрий кўмаклашиш, табиий, экологик офат, техноген талафот, ҳалокат, эпидемия, жамиятдаги иқтисодий тангликлар ҳамда бошқа фавқулодда ҳолатларда ирқи, миллати, жинси, диний эътиқодларидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ва унинг ташқарисидаги ҳар қандай шахснинг азоб-уқубатларини енгиллаштириш, аҳолининг энг ночор қатламини ижтимоий ҳимоялаш, уларга инсонпарварлик хайрия ва меҳр-мурувват ёрдамини кўрсатишдан иборатдир, – деди Нигора Соҳибжоновна. – Вилоятимиз шаҳар ва туманларида жамиятимиз бўлимлари фаол иш олиб бормоқда. Корхона ва муассасаларда 369 та бошланғич ташкилотимиз фаолият кўрсатмоқда. Улар ўз сафларига 66 минг 522 аъзо, 1567 кўнгилли ёрдамчиларни бирлаштирган.

– Она ва бола саломатлигини сақлаш ва яхшилаш борасида жамият қандай тадбирларни амалга ошираётир?

– Республика Президентининг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида", "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида кенг кўламли режаларни белгилаб олганмиз. Қизил Ярим ой жамиятининг туман ва шаҳар ташкилотларида жамоатчилик ишчи гуруҳлари ташкил этилиб, улар маҳаллаларда, ўқув даргоҳлари, корхона ва муассасаларда фаол иш олиб бормоқда. Шифокорларимиз ва кўнгилли ёрдамчиларимиз қишлоқларда туғиш ёшидаги аёллар ва ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиб, зарур ҳолатларда тегишли ёрдам кўрсатишаяпти.

Умуман, жамиятимиз беш йўналишда фаолият юритаяпти. "Меҳр-шафқат" хизмати бу жараёнда етакчи ўрин тутади. Бу хизматнинг асосий мақсади ёлғиз ногиронлар ва қариялар, уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа қатламларига тиббий, ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишдан иборат. Бу вазифаларни амалга оширишда шаҳар ва туманлардаги тиббий-ижтимоий хоналарнинг аҳамияти кучайиб бораяпти. Бу йил уларга 214 киши ёрдам сўраб мурожаат қилди. Шуҳдан 78 кишига ёрдам кўрсатилди. 277 оила 15 миллион 210 минг сўмлик моддий ёрдам олди.

Бу борада меҳр-шафқат ҳамшираларимиз алоҳида фаоллик кўрсатаётирлар. Улар маҳалла, мактаб, корхона ва ташкилотларда ҳамда васийликка олинганлар даврасида ҳуқуқий, тиббий ва ахлоқий мавзуларда суҳбатлар ўтказишмоқда. Ўтган ойларда жойлардаги бўлимларимиз ва бошланғич ташкилотларимиз 84 тадан ортиқ лекция ва суҳбатлар ташкил этди.

Бундан ташқари, вилоятимизнинг барча шаҳар ва туман бўлимлари "Саломатликнинг ёш дўстлари" анъанавий XXXII слётини ўтказишди. Уларда ғолиб чиққан санитар постлари аъзолари вилоят слётида ўз билим ва тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмаларини намойиш этишди. Бу беллашувларда 200 ўқувчи иштирок этди.

– Ҳозирги даврнинг энг долзарб муаммоларидан бири одамлар ва улар яшаётган атроф-муҳитни табиий офат, турли фалокат ва ижтимоий-техноген омиллар туфайли вужудга келадиган фавқулодда вазиятлар таъсиридан муҳофаза қилишдир. Нигора Соҳибжоновна, шу йўналишдаги ишлар хусусида гапириб берсангиз.

– Бу йўналишда айниқса Ангрен шаҳри, Бўстонлиқ, Паркент ва Оҳангарон туманларининг чекка қишлоқлари, маҳаллалари аҳолиси хавфсизлигини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 14 та маҳалла, 12 та мактаб ва Чирчиқ шаҳридаги 8 та мактабда "Аҳолини ва мактаб ўқувчиларини фавқулодда вазиятларга тайёрлаш" дастури асосида ўқув машғулотлари ташкил этаяпмиз. Бундан кўзланган мақсад турли офатлар юз берган вақтда маҳаллий аҳолини тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш орқали офатларнинг одамларга зарарини камайтиришга эришишдан иборат.

Шу машғулотлар доирасида вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси билан ҳамкорликда Паркент туман мактабларида ҳаёт хавфсизлигидан дарс ўтувчи 72 ўқитувчи учун фавқулодда вазият юз берганда тўғри ҳаракат қилиш, жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмаларини эгаллаш бўйича семинар-тренинг ўтказилди. Ангрен шаҳрининг «Янгиобод» маҳалласида шаҳар ҳокимияти, фавқулодда вазиятлар бошқармаси билан биргаликда вилоят Қизил Ярим ой жамияти кўнгиллиларидан иборат фавқулодда вазиятларда мусобат билдириш гуруҳи ташкил этилди. Улар қутқарув ва тиббий анжом, кийим-кечаклар билан таъминланган.

Ҳозирги кунга келиб, туман ва шаҳар ташкилотлари қошида аҳолига фавқулодда ёрдам захираси марказлашган тарзда ташкил қилинмоқда. Улар аҳолини бирламчи зарур нарсалар билан таъминлайди. Ҳозиргача бу мақсад учун 20 миллион сўм маблағ сарфланди.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири Юлдузхон МУҲИДДИНОВА суҳбатлашди.

ЭНГ ЯХШИ МАКТАБ САЙТИ

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедия умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида "Энг яхши мактаб сайти – 2011" кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда "ZiyoNet" Ресурс-маркази мутахассислари, умумтаълим мактабларининг информатика фани ўқитувчилари, Ахборот-ресурс маркази ходимлари иштирок этди.

"Энг яхши мактаб сайти - 2011" кўрик-танлови ҳам умумий ўрта таълим мактаблари сайтларини яратиш, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ижодий фаоллиги, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўникмасини янада оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Кўрик-танловда Республика бўйича жами 27 та мактаб иштирок этди.

Танловда "Энг яхши касбга йўналтириш ишлари", "Энг яхши педагогик медиатека", "Энг яхши дизайн", "Жамоавий овоз бериш ғолиби" номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, тақдирланди.

"Туркистон-пресс".

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР!

"Кўп тармоқли ихтисослаштирилган аукцион савдо" МЧЖ томонидан Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри, Оби- Раҳмат кўчаси, 1-уй манзилидаги "SPAYDER" маъсулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган қуйида кўрсатилган бошланғич баҳоси 583 006 120 сўм бўлган "Ер пармалаш техник ускуналари" ("Техническое оборудование для бурения") мажмуа ҳолда оммавий оферта савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон қилади.

№	Мол мулк номи	Сони	Бош. баҳоси (сўм)
1	Крюкоблок БУ 2500 стальной 843143000	1	42 592 640
2	Талевый блок БУ 2500 стальной 843143000	1	37 759 760
3	Шкиф тормозной БУ 2500 стальной 843143000	2	26 971 600
4	Трансмиссия 5-й скорости 4062.80.00 843143000	6	113 989 200
5	Вал катушечный 4062.80.00 843143000	6	184 827 120
6	Коробка гидравлическая У8-МА2 стальная	1	20 207 800
7	Эксцентрик с валом 4016.53.051	1	117 162 880
8	Насос компенсатор НВТ-600	1	39 495 120
	ЖАМИ:		583 006 120

"Ер пармалаш техник ускуналари"ни ("Техническое оборудование для бурения") сотиб олиш шартлари қуйидагича:

– энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;

– сотиб олиш тўловини қиска муддатларда амалга ошириш.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб ўн кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Музокаралар 2011 йилнинг 25 октябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади.

Талабгорлардан таклифларни қабул қилиш 2011 йил 24 октябрь куни соат 11.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61, (+99866) 915-02-77.

ЧП «PETOIL-BIZNES-PLUS» (ИНН 300325654), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства Мирабадского района г. Ташкента за реестр. № 005397-03 от 27.08.2011 г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Мирабадский район, ул. А. Фитрат, д. 157/7, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение о добровольной ликвидации № 20/09 от 20.09.2011 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня публикации объявления по тел.: 234-07-98, 235-92-83.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 2009 йил 20 ноябрда 003262-01 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган «MOBILE COMMUNIKATION SERVIS» (ИНН 301379817, ОКОНХ 52300) масъулияти чекланган жамиятининг гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 2010 йил 19 февралда 000903-01 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган «ANVAR BAYOT» (ИНН 206006360, ОКОНХ 71280) масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 11 750 000 (ўн бир миллион етти юз эллик минг) сўмдан 2 300 000 (икки миллион уч юз минг) сўмга камайганлигини маълум қилади.

Тошкент вилояти Зангиота тумани ҳокимининг 2008 йил 21 августдаги № 1099-сонли қарори билан Тошкент вилояти Зангиота тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри бўлими томонидан Расулев Абдувасит Васикович номига берилган ва кадастр сони № 11-04-01-01-01-0194 бўлган 2008 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтган кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳри Миробод туманида жойлашган "ABDUMUXTOR" хусусий корхонаси (ИНН 200523208) **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 777-35-95 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 07.04.2010 йилда № 003681-01 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган (ИНН 301570501) «GORGEOL KONSALT» масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "CHILLA BUS" (ИНН 301384068), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимята Шайхантахурского района г. Ташкента, расположенный по адресу: г. Ташкент, ул. Навои, д. 40, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение учредителя № 2/2011 от 24.09.2011 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования данного объявления.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 16.09.2011 йилда № 004752-01 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "SUNNATKOMIL BEST BUILDING" (ИНН 302100450) масъулияти чекланган жамиятининг номи "KOMIL BEST BUILDING" масъулияти чекланган жамиятига ўзгарганлигини маълум қилади.

Олмазор туманида жойлашган "SPLASH COLORS" хусусий корхонасининг устав фонди 25 000 000 сўмдан 10 200 000 сўмга камайганлигини маълум қилади.

"ARTIAR SERVICE" хусусий корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятига айлантирилади ва унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

"BEST-CREDIT" КРЕДИТ УЮШМАСИ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2011 йил 10 октябрь куни соат 10.00 да бошлаб "Зангиота Киновидео" МЧЖ биносида (манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эшонгузар ҚФЙ, Охунбобоев кўчаси, 28-уй) "BEST-CREDIT" кредит уюшмаси аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиб ўтади.

Кун тартиби:

1. "BEST-CREDIT" кредит уюшмасининг фаолиятини ихтиёрий тугатилиши тўғрисида.

2. Тугатиш комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисида.

Телефонлар: 270-54-54, 403-40-24, 744-56-78, (8370) 975-37-03.

ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2011 йил 26 октябрь соат 18.00 да очиқ тендер ўтказилади

1. ВХ-363 "Оққўрғон АШБ – Охунбобоев ф/у"
2. Битта пакет билан:
ВХ-347 "Оққўрғон АШБ – Бўка АШБ"
ВХ-344 "Оққўрғон АШБ – Қўйлиқ АШБ (Олимкент орқали)"
ВХ-299 й.т. "Дўстобод АШБ – Тошкент (Жанубий вокзал)"
3. ВХ-476 й.т. "Тошкент ф/у – Беруний м.б. АШБ"
4. Битта пакет билан:
ШИ-1 й.т. "Ангрен АШБ – Янги боғи сурх маҳалласи"
ШИ-4 й.т. "Юқумли касалликлар шифохонаси – Ангрен кўмир кони"
ВХ-323 "Ангрен АШБ – Увак қишлоғи"
ВХ-417 "Янгиобод ш. – Тошкент АББ"
5. Битта пакет билан:
ШИ-7 й.т. "Ангрен АШБ – Қамчиқ қурилиш корхонаси"
ШИ-8 й.т. "Ангрен АШБ – Нозимхона – Ангрен АШБ (Айланма)"
ВХ-416 "Қизилтоғ қўрғони – Тўйтепа АББ"
6. ВХ-224 й.т. "Гулбаҳор қўрғони – Эркин – С. Раҳимов м.б. АШБ"
7. ВХ-461а й.т. "Туркистон маҳалласи – Назарбек маҳалласи"
8. ВХ-255 й.т. "Олмалиқ АШБ – Бўка АШБ (Минг тепа орқали)"
9. ВХ-342 й.т. "Санам қишлоғи – Ангрен деҳқон бозори"
10. ВХ-412 й.т. "Оҳангарон АШБ – Убайт – Узар қишлоғи"
11. ВХ-413 й.т. "Оҳангарон АШБ – Эйвалек – Озодлик қишлоғи"
12. ВХ-475 й.т. "Гиштқўприк маҳалласи – Юнусобод 9-даҳа АШБ"
13. ВХ-589 й.т. "Нодиробод маҳалласи – Юнусобод АШБ"
14. ВХ-283 й.т. "Янгийўл шаҳар бозори – Қуштепа маҳалласи"
15. ВХ-288 й.т. "Жунариқ маҳалласи – САИМЭИ НИХИ"
16. ВХ-309 й.т. "Янгийўл деҳқон бозори – Халқаобод қўрғони – Штап канали"
17. ВХ-295 й.т. "Янгийўл шаҳар бозори – Кескин қишлоғи"
18. ВХ-307 й.т. "Ниёзбоши қишлоғи – Гулбаҳор қўрғони"
19. ШИ-10 й.т. "112-даҳа – Аммофос ОАЖ" (Олмалиқ ш.)
20. ШИ-15 й.т. "Қалмақир бошқармаси – А. Қодирий маҳалласи" (Олмалиқ ш.)
21. ВХ-591 й.т. "Тўйтепа АББ – Тошкент (Офицерлар уйи)"
22. ВХ-332 й.т. "Олмалиқ АШБ – С. Раҳимов ф/у"
23. ВХ-337 й.т. "Оҳангарон АШБ – Нуробод қўрғони"

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сонли, 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли, 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2011 йил 22 февралдаги 49-сонли қарорларига асосан, очиқ тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобиль транспортида тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўловчилар ташишларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер таклифларида тавсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия карточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Ҳар бир транспорт воситасини битталаб кўрикдан ўтказиш бўйича белгиланган намунадаги, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий бошқармаси муҳри билан тасдиқланган ижобий хулосали далолатноманинг мавжуд бўлиши қатнашчи учун мажбурий шарт ҳисобланади. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситасини ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулкига арест солинган талабгорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунова кўчаси, 4/68-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун **Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига "Ўзсаноатқурилиш Банк" (ОПЕРО ТГРФ УзПСБ)ининг Тошкент шаҳридаги Минтақавий бўлими 20210000404661167001 (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида пул ўтказиб, 2011 йил 21 октябрь соат 18.00 гача** буюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси **тендер таклифларини 2011 йил 25 октябрь соат 18.00 гача қабул қилади.**

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй. Вилоят ҳокимиятининг кичик мажлислар зали. Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.

XXI аср ва ДУНЁ

ПОЛИЦИЯ КЎЧА РАССОМИНИ ИЗЛАЯПТИ

Номаълум график рассом Лондонга миллион фунт моддий зарар келтирди. London 24 ахборот портали тарқатган хабарга кўра, кўча рассоми чизган расмлар устига бўёқ суртиш ёки сидириб ташлаш учун шаҳар ҳукумати шунча маблағ сарфлаган.

Рассом тураржой, мактаб ва етимхона, тарихий ёдгорлик, шунингдек, метро вагонлари ва деворларида ўзининг "Zerx" дастхатини чизиб қолдириб кетган. Полициянинг маълум қилишича, жоҳил рассомнинг қилиғидан кўпроқ Харроу, Брент ва Вестминстер туманлари зарар кўрган.

2010 йил декабрдаги талабалар уюштирган тартибсизликлар чоғида кўча рассоми, ҳатто, қироллиқнинг мамлакат бош вазирининг Даунинг Стритдаги қароргоҳи яқинида жойлашган Уайтхолл саройида ўз дастхатини чизиб қолдирган эди.

Полиция 2011 йил январда 21 ёшли йигитни вандализмда айблаб ҳибсга олиб, кейинчалик гаров эвазига қўйиб юборган эди. Ўшандан сўнг Лондон деворларида турли рангдаги дастхатлар пайдо бўла бошлаганди. Гумон қилинаётган шахс октябрда суд олдида жавоб бериши лозим. Шунга қарамай, полиция фуқароларга мурожаат қилиб, қонунбузарга таллуқли ҳар қандай ахборот ҳақида зудлик билан хабар беришни сўради.

СУД БИНОСИ ОЛДИДА СНАРЯД ПОРТЛАДИ

Амстердамдаги суд биноси олдида юз берган портлаш оқибатида еттинчи қаватгача бўлган дераза ойналари чилчил синди. De Volkskrant нашрининг маълумотига қараганда, суд биносига қарата мина отилган.

Суд мажмуасининг шикастланган биносида мажлислар залидан ташқари прокуратура офислари ҳам жойлашган. Портлаш пайтида хоналарда ҳеч ким бўлмаган. Суд вакиллари мажлислар белгиланган тартибда давом этишини таъкидладилар.

Brabants Dagbland нашрининг ёзишича, полиция гумон қилинаётган икки кишини қидирмоқда. Уларни кўрганларнинг айтишларига қараганда, гумондорлар жиноят содир этилган жойдан мотоциклда қочиб кетишган.

Амстердам суди 2007 йилда ҳам шундай ҳужумга учраган эди. Ўшанда номаълум шахслар юлғичлик ва қотилликда айбланаётган Виллем Холлеедер ва унинг шериги суд қилинаётган бинони ўққа тутган эдилар.

НИГОҲ

БОШБОШДОҚЛИК МАМЛАКАТНИ ТЎЗИТАДИ

Қирғизистон парламентидаги баҳс-тортишувлар мамлакатни таназзул жари ёқасига судрамоқда. "Туғма анархистлар", "Ғоз, қисқичбақа ва шўртан балиқ", "Чўпон кўпайса, қўйлар ҳаром ўлади" – турли мамлакат сиёсатдонлари юртимизнинг қонун чиқарувчи органларидаги вазиятга шундай таъриф бермоқдалар. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Афтидан, халқ сайлаган вакилларимиз қандай вазифаларни бажаришлари лозимлигини бутунлай унутиб қўйган кўринишади. Ҳар кунги баҳс-тортишувлар чоғида ўзини босолмайдиган айрим депутатлар оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан сўкишдан, бир-бирларининг устларига мағзава ағдаришдан чарчамаяптилар.

Нима бўлганда ҳам бугунги сиёсий тўс-тўпалон мамлакатнинг аҳоли ўртасида обрўси поймол бўлишига олиб келаяпти. Кетма-кет юз бераётган жанжал-тўпалонлар, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Жогорку Кенеш депутатлари уюштирган маст-аластлар хуружи, Тошиевни "заҳарлаш" тарихи ва унинг қилиқлари депутатларимиз савияси қай даражада эканлигини кўрсатиб турибди.

Шу вазиятдан келиб чиқадиган бўлсак, умуман, мамлакатда парламент бошқаруви эмас, қандайдир бошбошдоқлик ҳукмрон. Ҳар ким нимани хоҳласа, ўшани қилади, ҳеч ким ҳеч нарса билан ҳисоблашмайди. Давлат манфаатини эса, ҳатто, ўйлаб ҳам ўтирмайди.

Доцент Тувганбой Қонурбоев Қирғизистоннинг аллақайси нашрида апрелдаги чақирув парламентидаги ҳозирги умумий руҳий ҳолатни таърифлаб беришга уриниб кўрди. "Партиянинг рўйхати билан парламент таркибига кирган азаматларга қараб туриб, нафақат мактаб боласи, балки боғча боласининг хулқ-атворини кўргандек бўламиз", – дея таъкидлайди олим ва давом этади: "Боладан мутлақо фарқлари йўқ шовқин-сурон қилишади, бир-бирларини уриб-туртиб, худди бозор аёлларидек, бор овозда бақиришади. Бу қандай ҳолки, шахсий муносабатлари ва ўзаро адоватлардан фақат ўз манфаатлари учун фойдаланиб қолмоқчи бўлишади, ўзларининг аёлларга хос бузуқликларини сиёсат даражасига кўтаришга ҳаракат қилишади. Бундай бемазагарчиликнинг охири кўринмаяпти. Агар аҳвол шундай давом этаверса, парламентни бундай депутатлардан халос этишнинг иложи бўлмайди". Руҳшунос олимнинг хулосаси шундай.

Т. Қонурбоев ижроия ҳукумат масаласида бунданда жиддий фикр-мулоҳаза билдиради: "Халқ қатъий ишонч ҳосил қилдики, сўнггги инқилобни амалга оширганлар ўзлари эришган ютуқлардан ақл билан фойдалана олмаяптилар" дейди ва ҳозирги мавжуд тартибга нисбатан шахсий хулоса чиқаради: "Бизнинг давлатимиз ҳозирги ҳукумат билан ҳеч қачон олға бороллмайди, негаки, унда тасодифий кишилар йиғилган".

Нима ҳам дердик, ишонтириб айтилган гап. Аммо, бечора қирғиз халқи нима қилсин? Наҳотки, яна баррикадалар ортига йўл олишга тўғри келса? Мамлакатда қанчадан-қанча муаммолар тўпланиб қолгани ҳаммага маълум. Бир томонда – иқтисодиётдаги таназзул, иккинчи томонда – ишсизлик ва қашшоқлик республика аҳолисини оғир юк бўлиб эзаяпти. Оддий халқнинг муаммолари устма-уст ёққан қордек қалашиб бораяпти.

Қирғизистон бош вазири А. Атамбоевнинг яқинда баён этган қуйидаги гаплари бежиз эмас: "Собиқ ҳукуматга тўпланганлар ва уларнинг думлари давлат тўнтариши билан бизни қўрқитишмоқда. Боқиев даврининг амалдорлари ҳозир парламентда ўтириб, ҳукумат ишини тўхтовсиз танқид қилмоқдалар. Парламент саҳнида бообрў жиноятчиларнинг қулоқлари кўзга ташланаяпти".

Мамлакатнинг кўзга кўринган экспертлари ҳамда чет эллик мутахассисларнинг фикрига таяниб, ишонч билан таъкидлаш мумкинки, мамлакатда ҳалибери тартиб бўлмайди. Кўпгина экспертларнинг башоратларига қараганда, 2014 йилга бориб, Қирғизистон давлат сифатида умуман йўқ бўлиб кетади. Ҳа, бугунги ҳукумат бирор чора кўрмаса, бундай таназзулдан ажабланмаса ҳам бўлади. Қирғизистон сиёсатчилари атрофдан келаётган огоҳлантирувчи овозларни эшитмаяптилар ёки атайлаб қулоқ солмаяптилар. Шахсий инжиқлик ва жиззакиликлар бу хайрихоҳ овозларни тўсиб қўяяпти. Вақти келиб улар мамлакатни ҳақиқатан ҳам таназзул жарига қулатсалар, унда нима қиламиз?

Асанбек УСЕНОВ.
«Белый Парус», интернет-газета.

ЗИЛЗИЛА ҚУРБОНЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Ҳиндистоннинг Непал ва Тибет билан чегарадош шимоли-шарқий штатидаги кучли зилзила қурбонлари 130 кишидан ошганлиги ҳақида хабар тарқатди The Times of газетаси.

Ҳарбийлар харобаларни тозалаш жараёнида штатнинг ташқаридан узилиб қолган айрим ҳудудларига кириб боришга муваффақ бўлдилар. Жумладан, энг кучли ер силкинишлари юз берган Мангам туманига олиб борувчи йўлларни тозалашга эришилди.

Шимоли-шарқий штатда рўйхатга олинган қурбонлар 58 киши эканлигини маълум қилди газета. Шунингдек, Бутан, Непал, Тибет ҳамда Ҳиндистоннинг Ғарбий Бенгалия, Бихар ва Жаркханд штатларида жами 60 га яқин киши ҳалок бўлган. Маҳаллий ҳукуматнинг фикрича, Лакен тоғ дарёсидаги гидроэлектр станцияси қурилиш майдонида қирққа яқин ишчи ҳам ўлган бўлишлари мумкин. Шунингдек, яна бир неча ўнлаб киши қурилиш майдонида ташқи ҳаётдан тўсилиб ётган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Улар ҳозирча, бедарак йўқолганлар рўйхатида.

Тахминий ҳисобларга кўра, харобалар остида ҳали кўплаб одамлар бўлиши мумкин. Бинобарин, қурбонлар янада кўпайиши табиий ҳол.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ

«ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ – 2011»

МУАЙТАЙЧИЛАРИМИЗ – КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Пойтахтимизда муайтай бўйича ёшлар, катталар ва хотин-қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг саралаш мусобақалари қизғин давом этмоқда.

Ўзбекистон терма жамоаси етакчиси, уч карра жаҳон чемпиони Мавлонбек Қаҳҳоров жаҳон чемпионатидаги дастлабки ғалабасини нишонлади – "А" гуруҳида туркиялик Йилмаз Ўзтуркни мағлубиятга учратди. "В" гуруҳида қатнашаётган муайтайчимиз Ғулом Ҳалилов ҳиндистонлик Бойнаосинга Наримни енгган бўлса, яна бир ҳамюртимиз Илҳом Рустамов хитойлик Ганг Ли устидан ғалаба қозонди. Ёшлар ўртасидаги баҳсларда Фирдавс Маннонов афғонистонлик Ҳазра Шир Алидан устун келган бўлса, Наим Тўхтабоев Янги Зеландия вакили Мэтиао Эмлоросени мағлубиятга учратди.

Шунингдек, таиландлик Нараут Палинарам, Уораут Читамнуай, Жирасак Идуном, Саттра Палинарам, словакиялик Владимир Конский, хитойлик Донгуанг Гуо, туркиялик Али Батмаз, Ўзан Сенгел, эронлик Жамол Маданий, Жанубий Корея вакили Деокжае Юн, Гуехо Жо, украиналик Сергий Кулиаба, Константин Коскин, швециялик Харрис Тобиассон, озарбайжонлик Жаббор Мустафоев, испаниялик Томас Родригес, ироқлик Жавод Одил, польшалик Оскар Стасцак каби спортчилар ҳам кейинги босқичга йўл олди.

Хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларда таиландлик Банжапон Промма, финляндиялик Хели Саяпуй, швециялик Иоханна Ридберг, Элина Нилсон, болгариялик Мария Михайлова, украиналик Диана Яковлева, беларуслик Екатерина Вандарева, хорватиялик Хелена Юрисик саралаш мусобақасида ғалаба қозонди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири.

«ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ – 2012»

Футбол бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоаси 2012 йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинлари саралаш мусобақасининг учинчи босқичида Ироқ жамоасини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

ДАСТЛАБКИ УЧ ОЧКО

"В" гуруҳидан жой олган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси дастлабки тур учрашувини пойтахтимиздаги "Жар" стадионида Ироқ футболчиларига қарши ўтказди. Бу босқичда қитъамизнинг энг кучли ўн икки жамоаси уч гуруҳга бўлинган ҳолда тўп сурмоқда.

Вадим Абрамов шогирдлари беллашувнинг дастлабки дақиқаларидан ҳужумкор ўйин кўрсатди. Иккинчи бўлимда Темурхўжа Абдуҳолиқов ҳисобни очди. 78-дақиқада эса Кенжа Тўраев ироқликлар дарвозасига иккинчи тўпни киритди.

Дастлабки турда 2:0 ҳисобида зафар қучиб, гуруҳда якка пешқадамга айланган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси навбатдаги учрашувни 23 ноябрь куни сафарда Бирлашган Араб Амирликлари футболчиларига қарши ўтказади.

Шу куни гуруҳдаги иккинчи учрашув – Австралия олимпия терма жамоаси ва Бирлашган Араб Амирликлари футболчилари ўртасидаги ўйинда ҳисоб очилмади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ҚАТРА

ИТ ВАФО...

Ярим тунда тобим қочиб қолди. Ҳаво етишмасди. Ташқарига чиқишга мадорим йўқ. Уйдагиларни безовта қилгим келмади. Базўр ҳовлига чиқдим. Шу пайт итим югуриб келиб, оёғимга суйкалди. У менинг бетоблигимни сезгандай эди. Салқин ҳаво димоғимга урилиб, сал ўзимга келгандай бўлдим. Бироздан сўнг яна ҳаво етишмай қолди...

Ҳушимга келганимда шифохонада эканман. Ўша куни ташқарида ўзимдан кетибман. Итим қаттиқ ҳуриб, эшикни оёқлари билан тирнаб, уйдагиларни уйғотибди...

Шифо топиб, уйга қайтдим. Ҳовлига киришим билан итим югуриб келиб, икки оёқда туриб, менга суйкалди.

– Уст-бошингизни ифлос қилди-я, тур йўқол, – дея ўғлим уни ҳайдамоқчи бўлди.

Итим эса хурсандлигини билдириб, баттарроқ суйкаларди. Меҳр билан бошини силадим. Унинг жунлари тикрайиб, озиб кетганди...

"Ит вафо" деб шуни айтишса керак-да.

Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судлари судьялари малака ҳайъати йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича камида уч йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини судьяликка номзодлар захирасига таклиф қилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ш. Руставели кўчаси, 93-уй. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди.

Телефонлар: 253-78-44, 253-17-60.

Чилонзор туманида рўйхатга олинган "SALOXIDDIN-NET" (ИНН 301161574) хусусий корхонаси мулкчилик шаклини масъулияти чекланган жамиятига ўзгартираётганини маълум қилади. Тел.: 751-01-79.

"CHIMBOY-SERVIS" масъулияти чекланган жамиятининг таъсис ҳужжатлари, "Далолатнома", "Статистика гувоҳнома"си, "Фирмалик номи" йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"SARVAR SHIRIN" хусусий корхонаси (ИНН 200639875) шу ном билан масъулияти чекланган жамиятига айлантирилади.

Бир чимдим кулгу

ТРАГИКОМЕДИЯ

Икки дугона учрашиб қолдилар.

– Кеча хушторинг билан театрга тушмоқчи эдинглар? Нима бўлди?

– Театрга тушдик.

– Нима кўрсатишди?

– Трагикомедия.

– Ие, қанақасига? Драма дегандинг-ку?

– Асли драма бўлиши керак эди. Лекин театрда эримни учратиб қолдим. У ҳам хуштори билан келган экан...

КИМ ЭКАН У?

Бир киши концерт кўраётган эди. Хонанданинг қўшиғи ёқмади. У ёнидаги одамдан сўради:

– Бу аёлнинг овози мунча хунук. Ким экан у, билмайсизми, биродар?

– Биламан, – деди қўшниси, – у менинг хотиним.

– Э, узр, овози... унчалик ёмон эмас. Аммо қўшиқнинг мазаси йўқ. Ким ёзган уни...

– Мен ёзганман...

РАССОМ ХАНДАСИ

Утерянный угловой штамп ООО "FAYZLI IQBOLXON" Шайхантахурского района, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ООО "FAYZ YULDUZ BIZNES" (ИНН 301749846), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского района г. Ташкента за № 004728-09 от 07.12.2010 г., находящееся по адресу: Шайхантахурский район, ул. Уйгура, д. 26, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.** Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования данного объявления.

ООО "GOLD MACFINE" (ИНН 301347974), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента за реестр № 005319-08 от 16.10.2009 г., находящееся по адресу: Чиланзарский район, ул. Зебунисо, д. 28, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (приказ учредителя № 1 от 23.09.2011 г.). Претензии принимаются в течение одного месяца со дня публикации объявления. Тел.: 336-47-77.

ОАТ "TURON BANK" (ИНН 205591436) Зангиота филиалига тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДУК томонидан Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чорбоғ кўчаси, 51-уй (4-механизация бошқармаси "4-МБ" ҳудудида) манзилида жойлашган: омборхона ва цех биноси учун "SHARQ-MIR" МЧЖ шаклидаги чет эл корхонаси номига 14.04.2010 йилда берилган ТА № 0933024 серияли биноиншоотлар кадастр гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянные кадастровые документы: гувохнома на земельный участок серия O'Y 115370 от 25.11.2008 г., кадастр 11-19-03-03-01-0006 и на здание: серия ТА № 0675893 от 05.12.2008 г. на ООО "ZAFAR STROYMONTAJ INVEST" выданные Охангарон ш. ТСРУИ, находящееся по адресу: Ташкентская область, г. Ахангаран, Промзона, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

ООО "TASVIRIY OLAM" (ИНН 205107853), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента расположенное по адресу: г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Мукимий, д. 108-29, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение учредителя № 1 от 16.09.2011 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования указанного объявления. Тел.: 409-61-08.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: **Тошкент вилояти ҳокимлиги**

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Жўра САЪДУЛЛАЕВ**
Навбатчи **Ирода НОРБОЕВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-942. Адади 6919. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

(Т) белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00. 12345